

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

# Qishloq hayoti


2012 йил Мустаҳкам оила ўли  
Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

[www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz)

2012-YIL 2-AVGUST, PAYSHANBA, 91 (8016) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan  
Behosi kellehlgan narxda.

 Сурхондарё Вилояти



## СОҒЛОМ МУҲИТ ШАРОФАТИ

Фарзанд камолотида оиладаги соғлом маънавий муҳитнинг ўрни беқиёс. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида оила институтини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор замирида ҳам ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашдек эзгу мақсад муҳим.

Шеробод тумани «Ғамбур» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Акбар Сатторовнинг оиласини мустаҳкам маънавий пойдевор асосига қурилган кўрғон дейиш мумкин. Акбар Сатторов фуқаролар йиғинида котиб бўлиб ишлайди. Аёли Дилдора Болтаева — 5-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.

Ёш, зиёли оилада уч ўғлон вояга етмоқда. Уларнинг тарбиясига ота ҳам, она ҳам бирдек масъулия билан қарайди.

**СУРАТДА:** Акбар Сатторов аёли Дилдора Болтаева ва фарзандлари Ҳасан, Ҳусан ҳамда Юсуф билан.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

## САҲИФАЛАРДА:



ЎҚИШГА ИШТИЁҚИ БАЛАНД ЁШЛАР  
САФИ КЕНГАЙМОҚДА

2

АВГУСТ — ПАХТА ҲОСИЛИГА  
ҲОСИЛ КЎШИШ ОЙИ



3



АНТИҚА МЕВА-САБЗАВОТЛАР

12

# ЎҚИШГА ИШТИЁҚИ БАЛАНД ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

**Кўпчилик ҳозирги даврни профессионаллар асри деб эътироф этмоқда. Бу эса ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, аввало, юқори малакали мутахассислар бўлишини аниқлатади. Ўқимишли одам профессионал ҳисобланади. Нафақат бугунги кун билан, балки келажакка интилиб яшаётган аксарият ёшлар ҳам бу фикрга қўшилади. Мамлакатимиз олий ўқув юрларида кенг истиқболга йўл очадиган ва ўз имконият ҳамда иқтидорини намойиш этиш имконини берадиган даражада билим олишга интилаётган ёшлар сони тобора кўпайиб бораётганини шундай изоҳлаш мумкин.**



Анъанага кўра, 1 август кунини эрталаб мамлакатимизда олий ўқув юрларида кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Барча ҳаяжонда: аудиторияларда тест синовларини топшираётган йигит-қизлар ҳам, имтиҳон олаётган ўқитувчилар ҳам ва фарзандларнинг синовдан муваффақиятли ўтишини кутаятган ота-оналар ҳам.

Жорий йилда кириш имтиҳонлари Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 7 майда қабул қилинган «2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказилди. Ушбу ҳужжатда олий ўқув юрларида талабаларни қабул қилиш квоталари тасдиқланган.

Ҳужжат мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида ва минтақаларида талаб этилаётган ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тарихини модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларини янада мақбуллаштириш ва унификация қилиш мақсадида қабул қилинган.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, янги ўқув йилида бакалавриятнинг биринчи курсига 56607 талаба қабул қилинади. Уларнинг 19340 нафари давлат грантлари бўйича ва 37267 нафари тўлов-контракт асосида таълим олади. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиз олий ўқув юрларида 432 минг нафардан ортиқ йигит-қиз ҳужжат топширган. Бу бир ўринга 7,64 даъвогар тўғри келади, демакдир. Айниқса, Термиз давлат университетиде ўқишга кириш учун 21841 йигит-қиз ариза берган. Яъни, бир ўринга 13,36 абитуриент даъвогарлик қилмоқда.

Ёшларнинг аксарияти Тошкент ахборот технологиялари университетини танлаган. Буни ахборот-коммуникация технологиялари асрида техник мутахассисларга нисбатан талаб ортиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Юқори технологиялар соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам жадал ривожланиб бораётган тармоқларида биридир. Тошкент ахборот технологиялари университети Марказий Осиёдаги телекоммуникациялар ва ахборот тизимлари соҳасида кадрлар етказиб берадиган йirik олий ўқув юрти ҳисобланади.

Бугун Тошкент ахборот технологиялари университети юқори илмий-педагогик салоҳият, кенг турдаги таълим коммуникацияларига эга, халқаро алоқалар тармоғи ривожланган, мутахассислар тайёрлаш даражаси юксак замонавий олий ўқув юртидир. Сўнгги йилларда университетнинг яхши анъаналари тобора кўпаймоқда, бакалавриятуранинги янги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари очилмоқда, илмий ишлар ҳимоя қилинмоқда, уни-

верситетнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, янги корпуслар қурилмоқда. Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юрлари билан халқаро ҳамкорлик ҳам кенгаймоқда. Бунинг натижасида талабалар нафақат университет, айни пайтда замонавий техника асосида етакчи марказларда ҳам таълим олмақда.

Тошкент ахборот технологиялари университети қабул комиссиясининг масъул котиби Ўткир Ҳамдамовнинг айтишича, янги ўқув йилида олий ўқув юрти бакалавриятнинг биринчи курсига 2235 талаба қабул қилинади. Уларнинг 50 нафари, шу жумладан, 15 нафар талаба давлат грантлари бўйича ва 35 нафар талаба тўлов-контракт асосида мажус сиртки бўлимади ўқийди. Бирок, мазкур университетда ўқишни истаётган йигит-қизлар сони анча кўп. Хусусан, бу йил абитуриентлардан тўққиз мингга яқин ариза келиб тушган.

Бундай ҳолатни Тошкент тиббиёт академиясида ҳам кузатиш мумкин. Негаки, шифокорлик энг шарафли касблардан биридир. Шу бонс, соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари ҳар доим долзарб муаммоларнинг янги ечимларини топишга ҳаракат қилмоқда ва бу уларга замон билан ҳамнафас фаолият олиб бориш имконини бермоқда. Академияда ўқишни истаётган йигит-қизлар кўпайиб бораётганининг сабаби ҳам шунда.

Академия Президентимизнинг 2005 йил 19 июлда қабул қилинган «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонида биноан ташкил этилган. Бундан мақсад юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни ташкил этишни тақомиллаштириш ва сифатини ошириш, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий-техника базасини яратиш, илгор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида ўқиш жараёнини янги мазмун билан бойитиш, бўлғуси мутахассисларнинг таълими аниқ даволаш амалиёти малакаларини эгаллаш билан чамбарчас боғлаб олиб борилишини таъминлашдан иборатдир.

Жорий йилда Тошкент тиббиёт академияси бакалавриятининг биринчи курсига 6770 йигит-қиз ариза топширган. Уларнинг фақат 660 нафари ўқишга қабул қилинади.

Таъкидлаш жоизки, бу йил академиянинг имкониятлари янада кенгайди. Энди бу ерда ҳарбий тиббиёт ходимлари ҳам тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлда қабул қилинган Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факультетини ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Мудофаа вазириликнинг Тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тай-

ёрлаш маркази ҳамда Тошкент тиббиёт академияси ҳарбий кафедраси негизида ҳарбий-тиббиёт факультети ташкил қилинди.

Юқори малакали тиббиёт хизмати офицерларини, мураккаб тактик шароитларда тиббиёт бўлиналарини бошқаришга қодир захирадаги тиббиёт хизмати офицерларини тайёрлаш, Қуролли Кучларнинг тиббиёт ходимлари таркиби малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш факультетининг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Ҳарбий-тиббиёт факультетиде шу соҳага оид илмий тадқиқотлар ўтказилади, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тиббиёт хизматининг даволаш-эвакуация қилиш, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши фаолиятга замонавий инновация технологияларини жорий қилишга доир тақлифлар ишлаб чиқилади.

Янги 2012/2013 ўқув йилларида давлатимиз раҳбарининг шу йил 4 июнда имзоланган «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан Тошкент давлат маданият институти ва Ўзбекистон давлат санъат институти негизида ташкил қилинган янги олий ўқув юрти – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ҳам дастлабки талабалар қабул қилинмоқда.

Мазкур олий ўқув юртига қабул квотаси бакалаврлар тайёрлаш бўйича жорий йилда 297 нафар этиб белгиланган. 2350 нафар абитуриентдан ҳужжатлар келиб тушган. Бу йил институт бакалаврият йўналишлари рўйхатига «Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш» йўналиши ҳам киритилди.

...Яқин кунлар ичида мамлакатимиз талабалари сафиға жамиятимиз учун наф келтириш, Ватанимиз равнақи ҳамда халқимиз фаровонлиги учун астойдил меҳнат қилишга бел боғлаган минглаб ёшлар қўшилади.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**  
**ЎЗА муҳбири.**

## Сурхонгарё Вилояти

### ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Биз буюк юрт фарзандларимиз» ва «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиорлари остида ёшлар фестивали ўтказилди.

— Фестивални ўтказишдан асосий мақсад ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, улар қалбиде она юртга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини янада мустаҳкамлаш ва бу орқали келажакимиз эгаларини турли ёт гоьлардан асраб-авайлашдир, — дейди «Камолот» ЕИХ вилоят кенгаши раиси Оллоқул Худойбердиев. — Шунингдек, ушбу фестиваль орқали мустақиллик йилларида ёшларга яратиб берилган имкониятлар, шарт-шароитларни кенг тарғиб этиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаятган фаол ёшларни қўллаб-қувватлашдир.

Фестиваль доирасида ўтказилган маданий-маърифий тадбирларда истеъдодли ёшлар томонидан истиқлол гоьлари акс этган қизиқарли саҳна кўринишлари намойиш этилиб, спорт мусобақалари ўтказилди.

Тадбир сўнгиде «Энг яхши маънавият тарғиботчиси», «Энг намунали ёшлар етакчиси», «Энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси» каби номинациялар бўйича гоьлиблар аниқланиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Чори ЖУМАКУЛОВ,**  
**«Qishloq hayoti» муҳбири.**

## Бухоро Вилояти

Қоровулбозор тумани марказида жойлашган «Кумри Адис мўъжиси» хусусий корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамсдан корхона ички бозоримизда ўз хариддорларини топиб улгурди.



## МИҶОЗЛАР МАМНУН

«Усаноатқурилишбанк»нинг туман бўлими томонидан ушбу тадбиркорлик субъектини ишга тушириш учун 60 миллион сўм миқдориде кредит ажратилди. Корхона 3 турдаги нон ва 7 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозирда бу ерда кунига 800-1000 килограмм маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти.

— Туманимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва таълим муассасаларидан ҳам маҳсулотларимизга буюртмалар тушяпти, — дейди корхона раҳбари Абдухалил Нуъмонов. — Бу эса келгусида корхонанинги иш қўламини янада кенгайтириш имконини беради.

**СУРАТДА:** корхона илчиси Ойиниса Адизова.  
**Ҳамроз АЛИ олган сурат.**

# АВГУСТ — ПАХТА ҲОСИЛИГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ОЙИ

**Пахтакорларимиз ҳар бир кун қадрига етиб, гўза парваришини омилкорлик ҳамда синчковлик билан олиб бормоқдалар. Жорий мавсумнинг ўзига хос томонлари бор. Демакки, вазият шундан келиб чиқиб ҳаракат қилишни тақозо этади. Тажрибали пахтакорлар таъкидлашмоқдаки, август ойининг бошида ҳосилнинг маълум қисми нобуд бўлишига йўл қўймаслик, ҳосилни тўла сақлаб қолиш шу кунларда гўза қатор ораларига бериладиган ишлов сифатига боғлиқ.**

Ҳосил тўкилиши олдини олишнинг асосий омилларидан бири — ўсимликни сифатли чеканка қилиш ҳисобланади. Айни пайтгача ушбу муҳим агротехник тадбир асосий майдонларда сифатли бажарилди. Кузатишларга кўра, чеканкага қадар озиқ моддалар ва сув асосан экиннинг ўсувчи нуқталарига боради. Шу боис, гўзанинг ўсувчи ва ён шохлари нуқталари чилпиб ташланади. Бу тадбир кўнгилдагидек бажарилганда, гўза бўйига ўсиб кетмайди. Озиқ моддалар ва сув ҳосил шохларига тенг тақсимланади. Одатда чеканка гўза қатор ораларига сув қўйилганда сўнг, етилиш дав-

рида ўтказилади. Сув қўйишдан олдин чеканка қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Агар чеканкадан кейин гўза қатор ораларига сув таралса, ўсимлик говлаб кетиши мумкин. Бу эса ҳосил кўпайишига салбий таъсир кўрсатади.

Пахтакорларимиз пайкалларга обиҳаётни бир меъёрдан таш, бегона ўтларни йўқотиш, сифатли юмшатиш каби ишларни бажаришмоқда. Жумладан, суғоришга қаратилаётган эътибор диққатга сазовордир. Айни дамдаги вазият суғоришни асосан "шарбат" усулида олиб боришни тақозо этапти. Бу жараёнда, деҳқонларимиз таъбири билан айтган-

да, "кўллаб" ҳам, "чўллаб" ҳам бўлмайди.

Ҳозирги вивожланиш босқичлари агротехникани ўзига хос табақалаштиришни талаб этади. Шу кунларда фермер гўзага аҳолидан кўнгли тўлмас, мутахассислардан маслаҳат сўраши лозим. Масалан, бир гектар майдондаги гўзани суғоришга сарфланадиган умумий сув миқдори ёки мавсум меъёри нихол униб чиққандан то шоналагунча 6-10, шоналашдан то гуллагунча 12-16, гуллашдан то етилгунча 55-65 ва етилиш даврида 16-20 фозини ташкил этади.

Бу йилги шароитдан келиб чиқиб, барча суғоришни эгартаришга сарфланадиган умумий сув миқдори ёки мавсум меъёри нихол униб чиққандан то шоналагунча 6-10, шоналашдан то гуллагунча 12-16, гуллашдан то етилгунча 55-65 ва етилиш даврида 16-20 фозини ташкил этади.

Суғориш "шарбат" усулида ўтказилганда, гўн гўзага озиқ бериш билан бирига мулча ва зифасини бажариб, сув бугла-

нишини камайтиради, тупроққа сингишини яхшилайтиди, намлигини сақлайди.

Суғоришдан сўнг гўза бўғзидаги тупроқни майин култивация қилиш зарур. Ўзбекистон Пахтачиллик илмий-тадқиқот институтида ўтказилган тажрибаларда гўза қатор ораларига ишлов кечиктирилганда, ҳосилдорлик 4-5 центнергача камайганлиги аниқланган. Бунинг устига, ҳосилдорлик биринчи терим ҳисобига камайган. Шунинг учун гўза қатор ораларига ишлов беришни вақтида, сифатли қилиб ўтказиш лозим.

Ҳозирги пайтда чуқур култивация ўтказиш мумкин эмас. Чунки ўсимликларнинг илдиз тизими шикастланади. Пахтакорлар мутахассис, механизатор ва агрономлар маслаҳати билан култивация кенглиги ва чуқурлиги белгилаб олишлари керак бўлади.

Айни дамда ёввойи ўт босган, ҳатто, улар уруғлаш босқичига кирган гўза майдонлари ҳам йўқ эмас. Деҳқонларимиз шунинг унутмасликларини кераки, бегона ўтлар ҳар қандай шароитта ўта мослашувчан

бўлади. Улар гўзага нисбатан сув ва озуқа ресурсларни кўпроқ хазм қилади. Энг ёмони, ўсимликни сояда қолдиради.

Август ойидаги энг муҳим тадбирлардан бири — гўза қатор ораларини шамоллатиш ва "варақлаш"дир. Бунда ҳаво алмашинуви яхшиланиб, ҳосил элементлари тўкилиши камайиб, кўсақлар очилиши тезлашади.

Август ойининг охириги ўн кунлигидан бошлаб дефолиация ўтказиш ишлари ҳам бошланади. Демакки, тайёргарликни ҳам бугундан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мана ҳосил тақдирини ҳал қиладиган — август ойи ҳам бошланди. Фидойи деҳқон, тажрибали фермер, ишнинг кўзини биладиган раҳбар мутахассис яхши биладики, шу кеча-кундуздаги меҳнат мўл ҳосил тўплаш, улкан хирмон кафолатидир.

**Ренат НАЗАРОВ,**  
қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими.

## Сургарё Вилояти

Ҳозир гўза парваришида долзарб дамлар кечмоқда. Ўз вақтида, кечиктирилмай ўтказилган култивация, "шарбат" усулида берилган сув эгاتларда намлики бир маромда ушлаб туришни таъминлаш баробарида гўза илдизи бакуват ўсиб, кўсақларнинг бўлиқ бўлиши, ҳосил тугунчалари сони кундан-кунга ошишига ҳам қулай шарт-шароит яратади.

# Кўсақлар тўқ — кўнгли ҳам тўқ

Сайхунобод тумани пахтакорлари суғориш ва култивация тадбирида узвийликка эришмоқдалар. Бу мўл ҳосил тўплаш имконини берапти. Айниқса, тупроқ ёрилиши, гўза илдизига зарар етказмасликка қаратилган эътибор, хусусан, обиҳаётнинг "шарбат" усулида оқизилаётганлиги экиннинг ортиқча говламай, текис ҳосилга киришига омил бўлди. Жорий йилда гўза баргини чилпиш ишлари босқичма-босқич ташкил этилди. Айни вақтда эса иккинчи тур чилпиш тадбирлари тугалланмоқда. Бу гўзанинг ҳосилга кириш жараёнини тезлаштирди. Демакки, гўзадаги бу ҳолат ҳосилнинг эртароқ пишишига ҳам омил бўлади.



— Пахтакорларимиз вегетация даврида минерал ўғитлардан самарали фойдаландилар, — дейди туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлигининг ўринбосари Мухаммаджон Уроқбоев. — Айниқса, гўзанинг шоналаш ва гуллаш даврида суспензия усулида озиқлантирилгани айни мудоа бўлди. Негаки, суспензия гўза вивожини тезлаштиради. Шунинг баробарида сувсизликка, касалликларга чидамликни оширади. Айни вақтда кўсақларнинг тўқ бўлиши, ҳосил тугунчалари янада кўпайиши учун керакли тадбирлар амалга ошириляпти. Суғоришда маҳаллий ўғитга қаратилган эътибор боис ўғит тўплашга жиддий ёндашиляпти. Туманимизда ўғит тўплаш зарбдор

ғуруҳларнинг фаол ҳаракати билан июль ойининг учинчи ўн кунлигида 490 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилиб, эгатларга "шарбат" қилиб оқизилди.

Ҳашаротлар, жумладан, кўсақ қуртига қарши биологик усулда кураш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда трихограмма, олтинқўз гўза пайкалларига чиқарилиб, ҳашаротлар уруғлари тарқалишининг олди олинди. Тумандаги "Шўрўзақ", "Бирлашган", "Ўзбекистон", Т.Фулмонов номи сув истеъмолчилари уюшмаларининг механизатор ва сувчиларининг бой тажрибалари бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Ҳа, парваришни сусайтирмай август ойида ҳосилга ҳосил қўишини ният қилган пахтакорлар ишлов, суғориш ва гўза касалликларига қарши курашда илғор тажрибалардан самарали фойдаланяптилар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.

гуруҳларнинг фаол ҳаракати билан июль ойининг учинчи ўн кунлигида 490 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилиб, эгатларга "шарбат" қилиб оқизилди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.

## Хоразм Вилояти

# КОЛЛЕЖ БИОЛАБОРАТОРИЯСИ ФЕРМЕРЛАРГА КўМАҚДОШ БўЛМОҚДА

Урганч туманидаги **Ғойбу қишлоқ ҳўжалик касб-ҳўнар коллежи** жамоаси 1200 нафардан ортиқ ёшларга агрономия, фермер-ўсимликшўнослик, ветеринария, қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш, қишлоқ ҳўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш каби йўналишлар бўйича таълим бериб келмоқда.



Шу йилнинг январь ойида коллеж жамоаси қишлоқдаги экинларни турли касалликлар, зарарли ҳашаротлар ва бегона ўтлардан биологик йўл билан ҳимоя қилиш мақсадида биологик усулда ташкил қилди. Коллеж ўқитувчиси, олди маълумотли агроном Иззатбек Юсупов бошчилигидаги биологик ишларига Хосият Абдуллаева, Абдушариф Аевезов, Гулнора Йўлдошевлар яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

— Қишлоғимиз ҳудудидаги пахта ва галла етиштиришга ихтисослаштирилган 16 та фермер ҳўжалиги билан 600 гектар пахта, 200 гектар галла майдонларидаги ўсимликларни биологик усулда ҳимоя қилишга шартнома имзолаганмиш, — дейди коллеж директори Санъатбек Қодиров. — 28 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган қишлоғимизда 4354 хонадон бўлиб, уларга ажратилган томорқа майдонлари 279 гектарни ташкил қилади. Томорқаларда плёнка остида пиёз, помидор, укроп, петрушка каби турли зиравор кўкатлар ҳамда सबзаот маҳсулотлари етиштирилади. Иссиқхоналар ғойбулик-



ларнинг асосий даромад манбаи. Шунинг учун шахсий томорқа эгалари ҳам биологик усулда ҳимоя қилишга шартнома тўзишмоқда.

Майдонлардаги галла, пахта ва सबзаот экинларига зараркунанда ҳашаротлар ва бегона ўтлар тарқалиши ва ривожланишини ўз вақтида аниқлаш ҳамда олдини олиш мақсадида кўп йиллик тажрибага эга 13 нафар энтомолог агроном ишга қабул қилинган.

Улар далалардаги аҳвол билан мунтазам танишиб, зарурий чора-тадбирларни қўллаб келишмоқда. Хусусан, уларнинг сайё-ҳаракати билан пахта майдонларида трихограмма, бракон ва олтинқўз энтомофаглари билан 3 мартабадан ишлов ўтказилганлиги сабабли далаларда зараркунанда ҳашаротлар пайдо бўлишига йўл қўйилмади.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.

## «ИСМИМНИ ЎЗГАРТИРСАМ БЎЛАДИМИ?»



**Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш қандай тартибда амалга оширилади?**

**Қўшназар АБДУРАҲМОНОВ**

Мирзаобод тумани



Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, манфаатлари таъминланиши, инсоний кадр-қиммати ҳурмат қилиниши, исм, ота исми ва фамилиясини олиш ҳуқуқларига эга. Эр-хотиннинг розилиги билан миллий-тарихий аъёнларга кўра, ота ёки она томонидан бобонинг исми бўйича ҳам фамилия берилиши мумкин. ФХДБ бўлими ота-онанинг биргаликдаги аризасига биноан бола ўн олти ёшга тўлгунча унинг манфаатларини эътиборга олиб исмини ўзгартиришга, шунингдек, унга берилган фамилияни ҳам ота ёки онасининг фамилиясига қараб ўзгартиришга ҳақлидир.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 28-бобида ҳар бир фуқаро фамилияси, исми ва ота исмини ўзгартириш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган бўлиб, бу ҳақдаги аризалар ариза берувчи ўн олти ёшга тўлганидан кейин яшаб турган жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан кўриб чиқилади.

Ушбу масала юзасидан ҳулоса ички ишлар органлари томонидан шахснинг тегишлича текширувдан ўтказилганидан кейингина тузилади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришни рад этганлиги устидан суд тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Ота-онанинг фамилияси ўзгартирилганда уларнинг ўн олти ёшга тўлмаган болалари фамилияси ҳам ўзгартирилади.

Агар ота-онанидан бири ўз фамилиясини ўзгартирса, ўн олти ёшга тўлмаган болалари фамилиясини ўзгартириш масаласи ота-онанинг келишувига биноан, бундай келишув бўлмаганда эса, васийлик ва ҳомилийк органлари томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш» Қоидаларининг 166-184 моддаларига асосан ота исмининг ўзгартирилиши унинг ўн олти ёшга тўлмаган болаларининг ота исми, албатта, ўзгартирилишига сабаб бўлади.

Мазкур масала бўйича аризалар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»-ги қонунига биноан агар фамилия, исм, ота исми эшитилишида ёқимсиз бўлса ёки миллилатига тўғри келмаса, хоҳишига қараб никоҳга бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтишда, оилада бир хил фамилияда бўлиш истаги бўлганда (агар никоҳ тузиш пайтида эрхотин умумий фамилияни тан-

ламаган бўлса), ФХДБ бўлими томонидан узрли деб топилган бошқа асосларга кўриб чиқилади.

Ўзгартиришлар киритилиши учун зарур бўлган далолатнома ёзувлари йўқолган тақдирда фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш улар тикланганидан кейин амалга оширилади. ФХДБ бўлими тўпланган ҳужжатларни тегишли текширув ўтказиш максидида ички ишлар бўлимига жўнатади. Ички ишлар бўлими тақдим этилган ҳужжатларни 30 кун мобайнида ўрганиб чиқиб, масала юзасидан асосланган ҳулоса тузади. Сўнгра ФХДБ бўлимига ижро учун тақдим қилади. ФХДБ бўлими ушбу ҳужжатлар асосида фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ёки рад қилиш тўғрисида асосланган ҳулоса тузади.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги ариза 45 кун мобайнида кўриб чиқилади.

**Саволга Янгиер шаҳар ФХДБ бўлими мудираси Раъно БОТИРОВА жавоб берди.**

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан тижорат банкларида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда тижорат банклари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тадбирда таъкидландики, Президентимиз раҳнамолигида банк-молия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Юртбошимизнинг қатор фармон ва қарорлари бу жараёнда муҳим дастуриямал бўлаётди. Хусусан, яқинда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-тамоилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари мамлакатимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий ёнгиришни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш борисида олиб борилаётган изчил чора-тадбирларнинг ёрқин кўриниши бўлди. Шунингдек, ушбу ҳужжатлар бозор муносабатларини халқроқ меъёрлар ва стандартларга мос равишда ташкил этиш, тадбиркорлик

субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Бугунги кунда банклар томонидан мижозлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни юқори савияда ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тижорат банклари фаолиятини эркинлаштириш борисида кўрилаётган чоралар уларнинг истеъмол кредитлари турларини кенгайтириш ва шартларини соддалаштиришга олиб келмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, оилалар фаровонлигини ошириш вазифаси белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда тижорат банклари ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, мижозлар учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, уларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, мижозларнинг ишбилармонлик имкониятларини ва турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб бораверади.

**Зулфия АҲМЕДОВА,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.

### ▼ БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

## ЎЙИНЧОҚЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

Юртимизда болалар ўйинчоқлари хавфсизлигини таъминлаш борисида давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигини янада кучайтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятларимизга мос одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда тарбиялаш йўлида кенг қўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра, болалар ўйинчоқлари ва ўйинлар мажбурий равишда сертификатлаштирилади махсуслотлар рўйхатига киритилган. Демак, давлат чегарасидан ўтказилаётган ҳар қайси турдаги болалар ўйинчоғи белгиланган талабларга жавоб беришни тасдиқловчи ҳужжат — мувофиқлик сертификатига эга бўлиши шарт.

Афсуски, болалар ўйинчоқлари борисида олиб борилаётган ислохотларни тўла англамай, амалдаги тартибларга эид равишда уларни юртимизга ноқонуний равишда олиб киришга уринаётган «тадбиркор»лар ҳам учраб турибди.

Давлат божхона қўмитаси ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида аниқланган йирик қонунбузарлик ҳолатлари доирасида болалар ўйинчоқларининг ҳам ноқонуний айланмасига чек қўйилди.

Жумладан, «Registon kelajak savdo» МЧЖ раҳбарияти ўзларига тегишли супермаркетдаги хорижда ишлаб чиқа-

рилган 66 турдаги 2 миллион дона болалар ўйинчоқларининг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим қила олишмади. Шаҳардаги дўконлардан яна бирида эса фуқаро Н.Меликова қиймати 5,5 миллион сўмлик 50 турдаги болалар ўйинчоқларига тегишли ҳужжатлар сўралганда, ер чизишдан нарига ўта олмади.

Андижон вилоятида ҳам болалар ўйинчоқларининг ноқонуний олиб ўтилишига оид ҳолатлар бартараф этилди. Жалақудуқ туманининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудудда ҳаракатланаётган «ВАЗ-2106» автомашинаси тўхтатилиб текширилганда, унда ушбу туманда истикомат қилувчи А.Рўзиев қиймати 54 млн. сўмдан ортиқ товар-моддий бойликлар, жумладан, 3 минг дондан ортиқ болалар тақинчоқларини ноқонуний равишда олиб киришга урингани фош қилинди.

Вилоятнинг Булоқбоши туманида божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари то-



монидан чегарадош ҳудудда фуқаро А.Раҳматиллаев томонидан юк ортлаётган «Нексия» автомашинаси амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилганда, ушбу шахс кичик-кичик туркумларда салкам 31 миллион сўмлик товар-моддий бойликларни, хусусан, 1087 дона болалар ўйинчоқларини божхона назоратидан яширинча олиб киришга уриниб, машинасига ортаётганлиги аниқланди.

Хозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари ва текширув

жараёнлари давом эттирилмоқда.

Раҳамларга мурожаат қилсақ, жорий йилнинг 20 июлига қадар божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 84 қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 89 миллион сўмдан ортиқ салкам 143 минг дона болалар ўйинчоқларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

**Хусен ТАНГРИЕВ,**  
Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати инспектори.



**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ  
ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА**

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Жомбой тумани ҳокимининг 2011 йил 10 сентябрдаги №436-Қ сонли, 2012 йил 16 январдаги №25-Қ сонли, 2012 йил 25 мартдаги №822-Қ сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер майдонларидан узоқ муддатли фойдаланиш ҳуқуқи кўйилмоқда:**

1. "Савдо ва маиший хизмат шохбачаси" биноси қуриш учун, Жомбой тумани "Тошкент" МФЙ, Тошкент кўчаси ҳудудида жойлашган, майдони 200,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 110 000 сўм;

2. "Савдо дўкони" биноси қуриш учун, Жомбой тумани "Холвойи" ҚФЙ, Саричашма қишлоғи ҳудудида жойлашган, майдони 48,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддатли фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 27 000 сўм;

3. "Дорихона" биноси қуриш учун Жомбой тумани "Журият" ҚФЙ, Тут қишлоғи ҳудудида жойлашган, майдони 54,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддатли фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 000 сўм;

4. "Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш омборхонаси" биноси қуриш учун, Жомбой тумани "Холвойи" ҚФЙ, Шайман қишлоғи ҳудудида жойлашган, майдони 5 000,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан узоқ муддатли фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 230 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Жомбой тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йилнинг декабригача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йилнинг 31 август куни соат 18:00 да тўхтатади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин "Танлов ташкилотчиси" билан тузиладиган закат келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорда закатлатни закат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жомбой тумани Мустақиллик майдони, Жомбой тумани ҳокимлиги биносида 2012 йилнинг 3 сентябрь куни соат 11:00 да очилади ва 2012 йил 3 сентябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йилнинг 3 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2012 йилнинг 17 сентябрь ва 2 октябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини маълум қили-

нади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 14 ва 28 сентябрь кунлари соат 18:00 да тўхтатади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Жомбой тумани Мустақиллик майдони, Жомбой тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 17 сентябрь ва 2 октябрь кунлари соат 11:00 да очилади ва шу кунлари соат 16:00 да танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори, Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2011 йил 12 сентябрдаги №1366-Қ сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер майдонларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи кўйилмоқда:**

1. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Самарқанд шаҳри, Фарҳод кўрғони ҳудудида жойлашган, Ҳар бири 24,0 кв.м.дан иборат ўн олти дона (бирдан ўн олтигача рақамланган) ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 13 850 сўм;

2. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Самарқанд шаҳри, Ширин кўрғони ҳудудида жойлашган, 1 500 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 865 000 сўм;

3. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Самарқанд шаҳри, Ширин кўрғони ҳудудида жойлашган, 40,0 кв.м.дан иборат ўн дона ер майдонидан (бирдан ўнгача рақамланган) доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 23 080 сўм;

4. Тиббий соғломлаштириш биноси қуриш учун, Самарқанд шаҳри, Ширин кўрғони ҳудудида жойлашган, 560,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 323 120 сўм;

5. Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Самарқанд шаҳри, Кимёгарлар кўрғони ҳудудида жойлашган, 60,0 кв.м.дан иборат олти дона ер майдонидан (бирдан олтигача рақамланган) доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 34 620 сўм;

6. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Самарқанд шаҳри, Саттепа тураржой маскани ҳудудида жойлашган, 60,0 кв.м.дан иборат беш дона ер майдонидан (бирдан бешгача рақамланган) доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 47 220 сўм;

7. Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси ҳудудида жойлашган, 180,0 кв.м.дан иборат бир дона ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 142 860 сўм;

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Самарқанд шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда

амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йилнинг 3 сентябрь куни соат 18:00 да тўхтатади.

Талабгорлар танловда қатнашиш учун буюртманома берилишидан олдин "Танлов ташкилотчиси" билан тузиладиган закат келишувига асосан, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи минимал қийматининг 10 фоизи миқдорда закатлатни закат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Самарқанд шаҳри А.Жомий кўчаси 59-уй, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йилнинг 4 сентябрь куни соат 11:00 да очилади ва 2012 йил 4 сентябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йилнинг 4 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, мазкур ер майдонлари юзасидан такрорий танлов савдолари 2012 йилнинг 18 сентябрь ва 3 октябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини маълум қилинади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил сентябрь ва 2 октябрь кунлари соат 18:00 да тўхтатади.

Такрорий танлов иштирокчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Самарқанд шаҳри А.Жомий кўчаси 59-уй, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 18 сентябрь ва 3 октябрь кунлари соат 11:00 да очилади ва шу кунлари соат 16:00 да танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Самарқанд вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси 85 Ауй, Тел/факс: (8-366) 233-80-56, Расмий сайтими: www.1kms.uz. Лицензия № RR 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдордаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчиси буюртма қат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатида ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закатлат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги

танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш ва закатлат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиали, ҳ/р: 20208000604920609025, МФО:00262 СТИР:207122519

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча мълумотлар олиш учун манзил: Самарқанд шаҳри Бўстон Сарой кўчаси 85-А уй. Мурожаат учун тел: (8-366) 233-80-56.

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ  
ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА**

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Хоразм вилояти, Богот тумани ҳокимининг 2011 йил 20 августдаги 549 к-сонли қарорига, 2011 йил 12 сентябрдаги 596 к-сонли қарорига, 2011 йил 20 сентябрдаги 604-сонли қарорига, 2011 йил 20 октябрдаги 660 к-сонли қарорига 2011 йил 11 ноябрдаги 1230к-сонли қарорига, асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга такроран кўйилмоқда:**

1. Тикувчилик устахонаси қуриш учун, Богот тумани, Нурафшон шаҳарчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 80 кв.м.бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

2. Озиқ-овқат моллари дўкони қуриш учун, Богот тумани, Нурафшон шаҳарчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 80 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

3. Сартарошхона биноси ва этикдўзлик устахонаси қуриш учун, Богот тумани, Нурафшон шаҳарчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 48 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

4. Тикувчилик устахонаси (кийим-кечак) қуриш учун, Богот тумани, Дехқонбозор қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 160 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 40 396 сўм.

5. Тикувчилик устахонаси (парданилик ва бошқалар) қуриш учун, Богот тумани, Дехқонбозор қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 160 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 40 396 сўм.

6. Дурадгорлик устахонаси қуриш учун, Богот тумани, Дехқонбозор қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 192 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 48 475 сўм.

7. Умумий овқатланиш шохбачаси ва новвойхона қуриш учун, Богот тумани, Қулқонқорабозор қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 360 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Участкага бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 90 891 сўм.

8. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси қуриш учун, Богот тумани, Маданият қишлоғи, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 360 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 90 891 сўм.

(Давоми 6-саҳифада)



## «KOSIMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

### (Боши 5-саҳифада)

9. Озиқ-овқат дўкони қуриш учун, Боғот тумани, Қипчоқ қишлоғи, 3-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 60 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 45 446 сўм.

10. Санаят моллари дўкони қуриш учун, Боғот тумани, Қипчоқ қишлоғи, 3-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 60 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

11. Новойхона ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун, Боғот тумани, Қипчоқ қишлоғи, 3-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 108 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 27 267 сўм.

12. Чойхона қуриш учун, Боғот тумани, Қипчоқ қишлоғи, 3-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 300 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 75 743 сўм.

13. Оргтехника ускуналарини таъмирлаш устaxonаси қуриш учун, Боғот тумани, Нурафшон шаҳарчаси, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 32 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 248 сўм.

